O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 19 июль, № 142 (4552) Шанба

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



**2008 йил 18 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**



Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб борди.

Мажлисда қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни, саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари ўсиши 12,2 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 16,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича 5,4 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича 14,4 фоизни, пулли хизматлар кўрсатиш бўйича 18,9 фоизни ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатлар билан, энг аввало, экспортнинг қарийб 1,5 баробар кўпайиши ҳисобига ўсмоқда. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар инвестицияларнинг 19,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 29,4 фоизга ўсишини таъминлади. 185 та янги ишлаб чиқариш объектлари, шу жумладан, «Асака текстиль», «Сурхон текс», «Навбаҳор текс», «Риштон текстиль» тўқимачилик корхоналари ва бошқалар ишга туширилди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, кичик бизнесга солиқ юкининг пасайтирилиши ҳамда унинг фаолият кўрсатиш шароитларининг эркинлаштирилиши натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг тегишли давридаги 38,1 фоиз ўрнига 40,2 фоизгача кўпайди.

Ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурлари фаол амалга оширилиши туфайли 372,1 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингта, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 132,6 мингта иш ўрни ташкил этилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида биринчи ярим йилликда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга 702 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланишидаги ижобий тенденциялар халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Халқаро валюта фонди томонидан юқори баҳоланди.

(Давоми 2-бетда).

# СТРАТЕГИК ШЕРИК – ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 июль куни Оқсаройда Япония молия вазири Фукуширо Нукагани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Япония билан ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларни юксак қадрлашини, ушбу учрашув стратегик шериклик тамойилларига асосланган ҳамкорлигимиз икки томонлама манфаатдорликка асосланганидан яна бир далолат эканини таъкидлади.

— Ташрифингиз икки томонлама ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлиб, ўзаро муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон-Япония муносабатлари 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида ривожланмоқда. Энг яқин ҳамкорларимиздан бири бўлган Япония Ўзбекистон билан изчил алоқа ўрнатиб, юртимиздаги ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаб келаётир. 1994 йили иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари тузилди. Улар мунтазам равишда қўшма мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкентда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган даврда Япониянинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларига яқиндир. Хусусан, Япония ҳукуматининг «Ривожланишга расмий ёрдам» дастури доирасида 910 миллион, Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг (JBIC) тижорий кредитлари орқали ёқилғи-энергетика мажмуи ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун 820 миллион АҚШ доллари ажратилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилаётир. Самарқанддаги автомобиль заводида "Isuzu" русумли автобуслар, юк ташиш машиналари, кўтарма кранлар ишлаб чиқарилаётгани қўшма лойиҳалар муваффақиятига яхши мисолдир.

Мамлакатларимиз иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун етарли салоҳиятга эга. 2007 йилнинг ноябрида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Япония бизнес-форуми бу йўналишда ишга солинмаган имкониятларни кўриб чиқиш ва улардан тўла фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланди. Унда таъкидланганидек, Япония технологияларини жалб этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, банк-молия тизимини ривожлантириш, энергетика, фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва ўзлаштириш, транспорт, логистика ва халқаро сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор.

Ўзбекистонда «Мицуи», «Мицубиси», «Нише Иваи» каби жами 22 йирик япон корпорациясининг ваколатхоналари очилган. Машинасозлик, енгил саноат, ички ва ташқи савдо, транспорт хизмати, сайёҳлик каби соҳаларда қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш ташаббуси Токиода юксак баҳоланади. 2006 йилнинг августида Япониянинг ўша пайтдаги Бош вазири Жунъичиро Коидзуми расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Бу Кунчиқар мамлакат ҳукумати раҳбарининг нафақат Ўзбекистон, балки умуман Марказий Осиёга илк ташрифи эди. Япония ташқи сиёсатида «Ипак йўли дипломатияси», «Марказий Осиё + Япония» мулоқот механизми шаклланганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Оқсаройдаги учрашувда Фукуширо Нукага самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Япония Ўзбекистон билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

***1996 йил 19 июль. Ушбу кун Ўзбекистон дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакат сафидан жой олган қутлуғ санадир. Шундай қутлуғки, Марказий Осиёда, умуман, МДҲда ягона бу завод асрий орзуларимиз рўёби, мустақиллик шарофати, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислоҳотларнинг беқиёс самарасидир. Зотан, ўн икки йилдирки, кўчаларда елдек елиб юрган "Ласетти", "Нексия", "Матиз" ва "Дамас" русумли автомобиллар мамлакатимиз қудратидан, иқтисодий юксалишидан сўзламоқда.***

## Ўзбек автомобилсозлиги:

# ШУҲРАТИ ДУНЁ КЕЗАР

### Асакада енгил автомобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ишга тушганига ўн икки йил тўлди



▼ Ифтихор

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга Россия, Украина, Молдова, Беларусь, Озарбойжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби кўплаб мамлакатларда эҳтиёж ортиб бораяпти. Бу уларнинг бугунги замон талабларига тўла жавоб беришидан далолатдир. Чунки энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган заводда модернизациялаш ишлари изчил амалга оширилаётгани юқори сифатли, ҳар томонлама қулай, энг муҳими, юксак техник хусусиятларга эга машиналар тайёрлаш имконини бераяпти. Натижада кейинги йилларда бу ерда "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" русумли автомобиллар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Табиийки, бу корхонанинг экспорт салоҳиятини тобора юксалтирмоқда, ишлаб чиқариш суръатининг йил сайин ошишига хизмат қилмоқда. Дейлик, 2002 йили 34 мингта автомобиль тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 170 мингдан ошиб кетди. Яқин келажакда йилига икки юз минг автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон автомобиллари ташқи кўриниши ва ички безаги, мустаҳкам ва тежамкорлиги билан автоишқибозлар меҳрини қозонган. Бунда "Дамас", "Матиз", "Нексия"ларнинг модернизация қилиниши, "Ласетти" ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши муҳим омил бўлди. Жорий йилнинг март ойидан янги модификациядаги "Нексия-2"нинг чиқарилиши бу борадаги изланишларнинг узвий давоми бўлди. Унинг техник имкониятларига, ички ва ташқи дизайнига алоҳида эътибор берилгани харидорларни янада кўпайтирди.

Қувонарлиси, маҳаллийлаштириш дастури асосида автомобилларнинг бутловчи ва бошқа қисмлари ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Бу ҳақда гап кетганда, муҳтарам Юртбошимизнинг корхонанинг очилиш маросимида

(Давоми 2-бетда).

# КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ жорий йилнинг 21-24 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Кувайт ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН АРАБ ДУНЁСИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Ўзбекистон билан араб дунёси ўртасидаги ҳамкорлик ривожининг ҳозирги босқичи кўп жиҳатдан умумий маънавий ва тарихий қадриятларга асосланади.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг маданий, илмий ва тарихий меросни қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этиб, араб дунёси мамлакатлари томонидан юксак баҳоланаётганининг ёрқин далили бўлди.

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг юртимизга амалга оширилажак расмий ташрифи Ўзбекистон билан араб давлатлари ўртасидаги муносабатлар тарихида алоҳида ўрин эгаллаши, шубҳасиз.

Бугунги Кувайт Яқин Шарқ минтақасидаги жадал ривожланаётган ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан биридир. Кувайт Араб ярим оролининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Саудия Арабистони ва Ироқ билан чегарадош.

(Давоми 2-бетда).

# МУСТАҚИЛ ЮРТ ҒАЛЛАСИ

Бир рақам шарҳи



**2008** йили юртимиз ғаллакорлари 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд сара дон етиштириб, мамлакатимиз ғаллачилиги тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олдилар. Ушбу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 230 миллиард сўмга кўпдир.

Бу қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги, фермерлик жорий этилиб, ерга бўлган муносабат ўзгарганлиги, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти тўғри йўлга қўйилиб, деҳқонлар зарур моддий ресурслар билан ўз вақтида таъминланганлиги ва ғалла етиштириш маданияти ошиб бораётгани натижасидир.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан иқтисодиёт тармоқларини янада модернизациялаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, янги иш ўринларини, айниқса, қишлоқ жойларда ташкил этиш ва шу асосда аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Электротехника тармоғини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, бутун дунёга машҳур бўлган савдо маркаларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этишга йўналтирилган тармоқни ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, хизматлар кўрсатишнинг янги объектларини барпо этиш ва фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш учун ер участкалари ажратишда, кредит ресурсларини, қурилишга ва муҳандислик коммуникацияларига уланишга рухсат берувчи ҳужжатларни олишда тадбиркорларга кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича мажлис қатнашчилари олдига йўл қўйилган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг мўлжалланган параметрларига эришишни, мақсадли комплекс дастурлар, 2008 йилга Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

Мажлисда республиканинг озиқ-овқат бозорини барқарор таъминлаш ва мева-сабзавот маҳсулотларини ғамлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари бажарилишини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди.

Чорва моллари бош сонини, суғориладиган ерларда озуқа экинлари майдонларини кўпайтириш, чет элдан юқори маҳсулдор зотли моллар келтириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун мустаҳкам замин таъминламоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришнинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиши таъминланди.

Республикада ишлаб чиқариладиган асосий озиқ-овқат товарларининг ҳажми ҳамда яратилган ишончли захиралар аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаши, ички истеъмол бозори узлуксиз тўлдирилишини таъминлаши алоҳида қайд қилинди. Озиқ-овқат товарларининг асосий турларини республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Ёғмой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари олдига аҳолининг озиқ-овқат товарларининг асосий турларига бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондиришни бундан буён ҳам таъминлаш ҳамда деҳқон ва озиқ-овқат бозорларида нархларнинг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик вазифаси қўйилди.

Шу билан бир қаторда, янги ҳосил йиғиштириб олингунга қадар мавсум оралиғида аҳолига барқарор сотиш учун етарли миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва полиз экинлари маҳсулотлари ғамлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактаблар битирувчиларини иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда талаб қилинаётган мутахассисликларга мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш ва уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш бўйича ишлари етарли даражада самара бермаётганлиги танқид қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларини жорий йилда тугатган битирувчилари тўлиқ ишга жойлаштирилишини, шунингдек, 2008-2009 ўқув йили битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, турар-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврига тайёрлашнинг бориши муҳокама қилинди.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва турар-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан тадбирлар амалга оширилиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги алоҳида қайд этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимлари сўзга чиқишди. Қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича республика Ҳукумати мажлисида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН АРАБ ДУНЁСИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакат ҳудуди 17,8 минг квадрат километрга тенг. Унинг катта қисмини чўллар эгаллаган. Кувайтга Форс кўрфазидаги 9 та орол тегишли. 2007 йилдаги маълумотларга кўра, мамлакат аҳолиси 3,3 миллион кишини ташкил этади. Уларнинг 1,03 миллиони кувайтликлардир.

Кувайт конституциявий монархия давлати ҳисобланади. Мамлакат раҳбари – Амир. 2006 йилнинг январь ойидан буён шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Кувайт Давлати Амири, шайх Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ эса валиаҳддир. Миллий байрам куни — 25 февраль. (1961 йил).

1962 йил 11 ноябрида тасдиқланган мамлакат конституциясига кўра, қонунчилик ҳокимияти Амир ва Миллий мажлисга тегишли. Ижроия ҳокимиятини Амир ва Вазирлар кенгаши бошқаради.

Кувайт иқтисодиёти юқори суръатда ўсиб бормоқда. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2007 молиявий йилда 111,9 миллиард долларни ташкил этди. Аҳоли фаровонлиги бўйича Кувайт дунёдаги энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаб, аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад қарийб 33 минг долларни ташкил этмоқда.

Кувайт иқтисодиёти асосини нефть ва газ тармоғи ташкил этади. Бюджет умумий даромадининг 94-95 фоизи мазкур соҳалар ҳиссасига тўғри келади. Кувайт нефтининг аниқланган захираси 13 миллиард тоннани ёки дунёдаги умумий захиранинг 9 фоизини ташкил этади. Тасдиқланган газ захиралари 1,5 триллион куб.метр. Якунланган йилда Кувайт ташқи савдо ҳажми 85 миллиард доллардан ошди. Бунда экспорт 62,1 миллиард долларга, импорт 23,5 миллиард долларга тенг бўлди. Кувайтнинг асосий савдо шериклари — Япония, АҚШ, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Германия, Буюк Британия ва Франция. Экспорт асосини нефть ва нефть маҳсулотлари, шунингдек, унча кўп бўлмаган миқдордаги кимё саноати маҳсулотлари — олтингугурт, карбомид ва бўёқлар ташкил этмоқда.

Бугунги кунда мамлакат раҳбарияти иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятни демократлаштириш ва давлатни модернизация қилишга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Кувайт Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил декабрида дунё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб тан олди. Дипломатия муносабатлари 1994 йил июль ойида ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 19-20 январь кунлари Кувайтга амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги мунсабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга ва мазмунан бойитишга хизмат қилди. Жумладан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни икки томонлама ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, ҳаво қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиққа тортишдан қочиш, шунингдек, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга доир бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

2001 йилда Кувайт Давлатининг юртимиздаги, 2004 йил ноябридан буён эса Ўзбекистон Республикасининг Ал-Кувайтдаги элчихонаси фаолият кўрсатмоқда.

Икки томонлама сиёсий муносабатлар ривожида парламентлараро алоқалар алоҳида ўрин эгаллайди. 2002 ва 2005 йилларда Кувайт парламенти делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

2006 йил 22-23 май кунлари Кувайт пойтахтида Президент Ислом Каримовнинг араб тилига таржима қилинган «Ўзбек халқи ҳеч қачон ва кеч кимга қарам бўлмайди» номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу тадбир икки мамлакат ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилди. Жамғарма билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январида Кувайтга буюрган ташрифи чоғида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ташкил этади.

Унга кўра, Кувайт жамғармаси юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги тўққизта лойиҳани молиялаштириш учун 215 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

2006 йилда Кувайтда икки мамлакат Савдо-саноат палаталари вакиллари ўртасида музокаралар ўтказилди. Унда савдо ва инвестиция, хусусийлаштириш ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

2007 йилда Кувайт ҳукумати аъзоларидан ташкил топган делегациялар мамлакатимизда меҳмон бўлди. Ўтган йилнинг июнида Ўзбекистонга Кувайт Давлати Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ ташриф буюрди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилган эди.

2007 йил августида эса адлия ҳамда ислом ва вақф ишлари вазири Абдулла ал-Матуқ, шунингдек, олий ва халқ таълими вазири Нурия ас-Сабиҳ хоним юртимизда бўлди. Улар Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этди.

2007-2008 йиллар давомида Амир девонхонаси ишлари вазири шайх Носир ас-Сабоҳ мамлакатимизда бир неча бор амалий ташриф билан бўлди.

Жорий йил 30 июнидан 2 июлга қадар юртимизда Кувайт молия вазири Мустафо Жасим аш-Шимолий ҳамда Кувайт сармоя жамғармаси бошқаруви раиси Бадр ас-Саид меҳмон бўлди.

Айтиш жоизки, томонлар ўртасидаги таълим ва маданият соҳасидаги ўзаро алмашинув ҳам ривожланиб бораяпти. Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўқитувчилари Кувайтда дарс бермоқда, ушбу мамлакатнинг фольклор гуруҳи Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали Гран-присига лойиқ деб топилди.

Ўзбекистон ва Кувайт томони Амир шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг юртимизга ташрифи икки томонлама алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши ҳамда Ўзбекистон-Кувайт ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришига ишонч билдирмоқда.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

Ибрат

***Вобкент туманидаги "Халач" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Барот Холов бир гал "Олмазор" фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Равшановга ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд уч оилага ҳукуматнинг тегишли қароридан келиб чиққан ҳолда, қорамол ажратилса, айни муддао бўларди, деб қолди. Бойлик қишлоғида яшовчи фермернинг тантилиги тутиб кетди.***

# ТАНТИ ФЕРМЕР

"Учта эмас, олти оилага қорамол, яна бир оилага қўй ажратамиз" деди. У гапида турди. Олтита ёш оила қорамолли бўлди.

"Олмазор" — тумандаги энг катта фермер хўжаликларидан бири. 192 гектар экин майдони бор. Жорий йилда 71 гектар ерда буғдой етиштирилди. 95 гектар майдонда ғўза парвариш қилинаяпти. Узумзору бедапоядан ташқари, хўжаликнинг исми-жисмига монанд олти гектар олмазори ҳам бор.

— Меҳнат қилганни ер алдамайди, — дейди фермер. — Бу гапни ўз тажрибамиз мисолида айтаяпман. Ҳар гектар ғаллазордан 60 центнердан дон олдик. Шартномадагидан ортиқча 74 тонна буғдойни ишчиларимизга ва эҳтиёжманд фуқароларга тарқатдик.

Фермер хўжалиги аъзолари уруғлик дон ва пахта етиштиришнинг ҳадисини олишган. Бултур пахтадан ўртача 42 центнердан ҳосил олинди. Бу йил кўрсаткични 46 центнерга кўтариш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

— Биз ерга қадаган "Бухоро-8" навининг ҳосилдорлиги юқори, толаси пишиқ. Унинг парваришида узилиш бўлмаса бас, — дейди фермер.

Шубҳасиз, Маҳмуд Равшановни истиқлол шарофати билан фермерликдан бахтини топганлардан, дейиш мумкин. Мустақиллик йилларида бундай инсонлар юртимизда кўпайди. Улар нафақат ўз меҳнати билан рўзғорини бут қилишяпти, балки ён-атрофидаги эҳтиёжманд кишиларнинг оғирини енгил қилаяпти. Бундай танти инсонлар бор экан, юртимиз обод ва халқимиз турмуши фаровонлашиб бораверади. Президентимиз айтганидек, фермер бой бўлса, юрт бадавлат бўлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбек автомобилсозлиги:

# ШУҲРАТИ ДУНЁ КЕЗАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

айтган қуйидаги сўзлари беихтиёр ёдга тушади: "Шубҳа йўқки, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди".

Дарҳақиқат, автомобилсозлик саноати шундай тизимки, тармоқда бир иш ўрнининг вужудга келиши бошқа соҳаларда ўн ва ўндан ортиқ янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилади. Шу маънода, ўтган йиллар давомида автомобиль қисмларини ишлаб чиқарувчи кўплаб янги корхоналар ишга туширилиб, минглаб ишчи ўринлари яратилди.

"Ўз Тонг Хонг Ко" қўшма корхонаси – ана шулардан бири. Бу ерда маҳаллий ёшлардан 400 нафари меҳнат қилаётир. Улар Германия, Япониядан келтирилган энг илғор технологияларни моҳирлик билан бошқариб, автомобилларга ўриндиқлар тайёрлаб беришмоқда. Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган "ЎзКарам Ко" қўшма корхонаси эса 150 нафар йигит-қизни ўз бағрига олган. Корхонада асосан автомобилларнинг олд ва орқа бамперлари ҳамда ички панеллари ишлаб чиқарилади. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу каби қисмларни хориждан келтиришга ҳожат қолмади. Хуллас, бамперлардан тортиб, прибор панеллари, ўриндиқлар, автоэмаллар, герметиклар, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари-



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

гача мана шундай қўшма корхоналарда тайёрланаяпти. Хусусий ишлаб чиқарувчилар эса турли хил бошқа эҳтиёт қисмларни етказиб бермоқда. Автомобилсозлик соҳасида катта тажрибага эга давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиши, ушбу соҳада илғор технологияларнинг қўлланиши ва кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш туфайли бундай муваффақиятлар қўлга киритилаётир.

"Ласетти", "Нексия", "Матиз"... Булар шунчаки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар эмас, мамлакат раҳбари илгари сурган бунёдкор ғояларнинг амалдаги ижобати, меҳнаткаш ўзбек халқининг ғайрат-шижоати, жасоратининг тимсолидир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИНФЕКЦИЯЛАРГА ҚАРШИ ТЎСИҚ

***Ўзбекистон ветеринария хизмати мамлакатимиз ҳудудида эпизоотик жиҳатдан соғлом вазиятни таъминлаш борасида эришаётган улкан ютуқлари халқаро эътирофга сазовор бўлди — қарорgoҳи Парижда жойлашган Халқаро эпизоотия бюросининг расмий сертификатини олди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистонга сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида кенг тарқалган ва катта иқтисодий зарар етказаётган қорамол ўлати каби инфекциядан холи мамлакат мақоми берилди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Махсуд ЮСУПОВдан мамлакатимиз ҳудудига бундай инфекциялар, жумладан, ўта хавфли инфекцияларнинг кириб келишига йўл қўймаслик борасида қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.***

Назорат

— Чорвачилик, паррандачилик ва иқтисодиётнинг мамлакатимиз аҳолисини шу турдаги маҳсулотлар билан таъминлайдиган бошқа тармоқларини муваффақиятли ривожлантириш ветеринария хизмати фаолиятининг нечоғли самарали ташкил этилганига ҳам боғлиқ, — дейди М.Юсупов. — Бундан ташқари, инсонга ҳайвонлардан ўтадиган бошқа қатор касалликлар ҳам мавжуд. Масалан, парранда гриппи ана шундай юқумли хасталиклардан. Ветеринарлар бундай юқумли инфекцияларни бартараф этиш орқали нафақат иқтисодий йўқотишларнинг олдини олмоқда, балки санитария шифокорлари билан ҳамкорликда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда қулай эпизоотик аҳволни таъминлаш ва сақлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу фаолият халқаро нормалар ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилган тегишли миллий қонунчилик, шунингдек, Ўзбекистон аъзоси ҳисобланган Халқаро эпизоотия бюроси стандартларига асосан юритилади. Шу билан бирга, соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг МДҲ давлатлари томонидан ветеринария соҳасида имзоланган ҳукуматлараро шартнома доирасида мувофиқлаштирилгани Ҳамдўстлик мамлакатлари ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини анча осонлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, бошқармамиз ўз фаолиятида асосий эътиборни, аввало, профилактика чоралари, яъни эпизоотияга қарши режали тадбирларни мунтазам амалга оширишга қаратиб келмоқда. Бундан кўзланган мақсад турли инфекцияларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишдан иборат. Чунончи, чорва моллари ва уй ҳайвонлари режали равишда эмланмоқда. Заҳматли, аммо ижобий натижалар бераётган ушбу ишларда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган участка ветеринария шифокорларининг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда кўплаб касалликлар, жумладан, карантин касалликлар тарқалишининг олдини олишда асосий кўрсаткич ҳисобланадиган иммун фони шакллантирилмоқда.

Бундан ташқари, жойлардаги зарур асбоб-ускуна ҳамда реактивлар билан жиҳозланган ветеринария лаборатория ҳамда ташхис қўйиш марказлари четдан келтирилаётган, шу жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам режа асосида текширувдан ўтказмоқда. Бу борада юқори самарага эришиш учун иккита лабораторияда текширилаётган материалнинг генетик тузилмасини аниқлаш асосида таҳлил қилишнинг илғор услуби жорий этилган. Бу эса пайдо бўлиши эҳтимолда тутилган касалликлар ва ген даражасидаги бузилишларни аниқлаш имконини беради. Яқин вақт ичида ушбу услуб республикамизнинг бошқа ветеринария лабораторияларида ҳам ўзлаштирилади. Шунингдек, ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ҳам самарали иш олиб бормоқда. Улар бозорларимизга олиб келинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспертизадан ўтказгач, сотишга рухсат беради.

Мамлакатимиз ҳудудига ташқаридан инфекция кириб келишига йўл қўймаслик учун мустаҳкам тўсиқ қўйиш бу борадаги ишларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу масала ғоят долзарбдир. Халқаро эпизоотия бюроси маълумотларига кўра, сўнгги пайтда дунёнинг қатор мамлакатларида эпизоотия ҳолати кескинлашиб, турли юқумли ва зооноз касалликлар авж олаётгани кузатилмоқда. Давлатимизнинг барча чегара ҳудудларида чегара-назорат ветеринария пунктлари куну тун ишлаб турибди, улар бу ерда барча зарур дезинфекция тадбирларини ўтказмоқда. Айни пайтда, бошқармамиз мутахассислари Халқаро эпизоотия бюроси маълумотларидан фойдаланган ҳолда, дунёдаги эпизоотик вазиятни мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Бошқача айтганда, мамлакатимизда эпизоотик жиҳатдан соғлом муҳитни таъминлашга доир профилактика чораларига асосланган комплекс назорат ўрнатилган. Кўрилаётган ана шундай изчил ва қатъий чоралар туфайли республикамиз ҳудудига инфекциялар кириб келиши ва тарқалишининг олди олинмоқда.

**ЎзА мухбири**
**А. ИВАНОВА**
**ёзиб олди.**

***«Самарқандкимё» очиқ ҳиссадорлик жамиятида нитрофос кимёвий ўғитининг бир қисми суюқ ҳолда ишлаб чиқарила бошланди.***

# Ҳам фойдали, ҳам тежамли

Бундай ўғит маҳаллий фермерларга тезда маъқул келди. Сабаби, у тупроқда тез эрийди, экинни ҳам баргидан, ҳам илдизидан озиқлантиришда қўл келади. Қолаверса, иқтисодий жиҳатдан ҳам тежамли.

Корхонада июнь ойида ишлаб чиқарилган 4 минг тонна шу хил ўғит тўлиғича фермерлар томонидан харид қилинди. Ўғитнинг ушбу турига эҳтиёж юқорилиги ҳисобга олиниб, келгуси йилда ишлаб чиқаришни 10 минг тоннага етказиш чоралари кўрилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## «Hyunda&Kia» кучлилар сафида

***«Automotive News 2008 Global Market Data Book»нинг маълумот беришича, Жанубий Кореянинг «Hyunda&Kia» автомобиль заводининг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.***



Жумладан, ўтган йили компания 33 миллиард долларлик маҳсулот сотган ва жаҳон автомобиль саноатида кучли бешликдан жой олган эди. Бугунги кунда мазкур компаниянинг Хитой, Ҳиндистон, Словакия, Чехия ва АҚШ каби давлатларда заводлари ишлаб турибди.

Шунингдек, маълумотда «Hyunda&Kia»нинг машиналари дунёнинг 193 та мамлакатида сотилиши келтириб ўтилган.

## Табиий офат оқибати

***Тайванда содир бўлган «Кальмэги» бўрони аҳолини таҳликага солиб қўйди.***



Табиатнинг бу инжиқлиги асосан Гаосюн ва Тайнань шаҳарларига жиддий зиён етказганлиги айтилмоқда.

Дастлабки маълумотларда келтирилишича, «Кальмэги» бир қизалоқнинг ҳаётига зомин бўлган ва яна олти нафар фуқаро бедарак йўқолган. Тезкор олиб борилган тадбирлар самараси ўлароқ, икки нафар инсон ҳаёти сақлаб қолинган. Қолганларнинг тақдири ҳақида эса ҳозирча ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Қидирув ишлари давом этмоқда.

## Оғунинг эгаси ким?

***Мексика ҳарбий денгиз кучлари томонидан номаълум наркомафия гуруҳига тегишли бўлган сув ости қайиғи (субмарина) қўлга олинган.***



«The New York» газетасининг ёзишича, тўққиз метрлик субмаринада 10 тоннага яқин кокаин моддаси юкланган экан.

Тўрт кишилик қайиқ экипажи аъзолари ўзларини балиқчилармиз, деб таништиришган ва олиб кетаётган юк наркотик модда эканлигидан бехабарликларини айтишган.

Ҳарбий денгиз кучлари матбуот котибининг таъкидлашича, мазкур субмарина бир ҳафта олдин Колумбиянинг Буэнавентура портидан йўлга чиққан экан.

## «General Motors»нинг қарори

***Энг замонавий автомашиналар ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур “General Motors” компанияси ходимларининг 20 фоизини қисқартиришга қарор қилди.***



Бу хабар компания томонидан тарқатилган ахборотномада айтилган. Унда ёзилишича, компания шу йўл билан ортиқча сарф-харажатни бартараф этмоқчи.

Таҳлилларга кўра, компания биринчи ярим йилликда автоуловларни ўтган йилдагига нисбатан 18,5 фоизга кам сотган.

Бугунги кунда “General Motors” дунёнинг 33 мамлакатига “Buick”, “Cadillac”, “Chevrolet”, “GMC”, “GM Daewoo”, “Holden”, “Hummer”, “Opel”, “Pontiac”, “Saab“, “Saturn“ ва “Vauxhall” русумидаги машиналарни сотади.

## Қимматга тушган байрам

**Францияда Бастилия олинган кун тантаналари нишонланаётган пайтида 300 га яқин автомобиль номаълум шахслар томонидан ёқиб юборилган. Ёниб кетган машиналарнинг 200 таси Иль-де-Франс минтақасига тўғри келади. Ёнғин Гонесс шаҳридаги гимназия биносига ҳам жиддий зиён етказган.**

**Полиция жиноятчиликда гумон қилинаётган 121 нафар кишини қамоққа олди.**

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

***Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнергоназорат» давлат инспекцияси ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида электр энергетика соҳасини таркибий ўзгартириш, соҳага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жорий этиш, электр энергия таъминоти тизимини мустақил тадбиркорлик субъектларига тажриба сифатида бошқарувга топшириш бўйича амалий ишга киришилди.***

# ЭЛЕКТРОН АЛОҚА

## бундан таъминотчи ҳам, истеъмолчи ҳам манфаатдор

Тажриба

Тўғри, ҳеч қандай сеҳрли таёқча ишга тушгани йўқ. Янгилик тарафдорлари бозор муносабатларининг табиатини ҳисобга олишди, хусусийлаштиришнинг афзал дастакларини ишга солишди. Тажриба дастлаб Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида синаб кўрилди. Бу изланиш кўзланганидан ҳам яхши самара берганлиги учун у ҳақда батафсил тўхталишга аҳд қилдик.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида электр энергиядан фойдаланиш ва ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш мақсадида Бектемир туманида истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш вазифасини «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамиятидан мустақил (хусусий) операторга ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва ана шу операторни аниқлаш учун дастлабки танлов эълон қилинди.

Ўтказилган танлов якунларига кўра «Shosh Invest Group» масъулияти чекланган жамият ғолиб деб топилди. Ушбу жамият «Shosh energo savdo» номи остида мустақил оператор сифатида «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага асосан Бектемир тумани электр тармоғига бириктирилган истеъмолчиларга электр энергиясини сотишни бошлади.

Ушбу жараёнда ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида олиб борилди.

Таркибий ўзгартиш ва «Shosh energo savdo» ХҲШЖни ташкил этиш натижасида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, ўртача тижорат йўқотишлари ва дебитор қарзлари анча камайди, абонентлар сони шу даврда 2,4 фоизга ошди, бунинг натижасида корхона жорий йилнинг 1-чорагида қўшимча даромад олишга эришди.

Агар «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖда 2007 йилнинг биринчи чорагида электр энергиянинг ўртача йўқотиш даражаси 36,4 фоизни ташкил этган бўлса, «Shosh energo savdo» хусусий опреаторида жорий йил биринчи чорагида 15,6 фоизга тушди.

Абонентлар билан шартномалар тузишда ҳар бир истеъмолчи билан алоҳида, унинг шароитидан келиб чиқиб амалга оширилиши, олдиндан ҳақ тўланган ҳолатларда истеъмолчига чегирмалар берилиши натижасида пул тушуми 63,6 фоиздан 114,8 фоизга ортганлиги, шунингдек, пул маблағлари мутлақо жамият ходимлари иштирокисиз шаҳардаги исталган тижорат банкларга ҳамда «Paynet» шохобчаларига бемалол тўланиши мумкинлиги, энг асосийси, электр энергиянинг сабабсиз узилишларига тамоман чек қўйилганлиги ҳам янги тузилма фаолияти самарали йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Қарздорлик кўрсаткичи кескин пасайди: ўтган йилнинг 1-чорагида 3 миллиард 379 миллион сўм бўлгани ҳолда, бу йил шу даврда мустақил хусусий оператор жорий этилгач, 443 миллион сўмни ташкил этди. Айни пайтда яна бир қатор афзалликларга эришилди. Жумладан, олдин «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамиятида назоратчи-электрик аҳоли манзилига 3-5 ойда бир маротаба келиб, ҳисоблагич кўрсаткичларини ёзиб кетар эди. Юридик шахслар билан эса ҳисоблагич кўрсаткичлари 1-3 ойда бир маротаба ёзиб кетилар ва кейинги ойнинг 15-кунига ҳисобга киритилиб, тўлов хабарномаси юборилар эди.

Ҳозир эса электрон ҳисоблагичлари бор юридик ва жисмоний абонентлар ҳамда субабонентларнинг электр энергиялари ҳисоблагич кўрсаткичлари АСКУЭ тизими орқали ойнинг охирги куни соат 00.00 да автоматик равишда ёзиб олинади ва электрон «Биллинг-энерго» тизимига киритилади. Оддий ҳисоблагичлари бор абонентларнинг ҳисоблагич кўрсаткичларини менежер-электриклар ёзиб олишади ва бу кўрсаткичлар қўлда электрон «Биллингэнерго» тизимига киритилади. Жисмоний абонентларга 10 кун мобайнида ҳисоб-китоб қилиниб, кафолатли ҳисоб варақаси тўлов учун абонентга берилади.

Юридик ва субабонентларга эса 5 кун мобайнида ҳисоб-китоб қилиниб тўлов учун кафолатли ҳисоб варақаси ва тўлов хабарномаси истеъмолчига тўлов учун юборилади. Агар кейинги ойда электр энергиянинг харажати миқдори олдинги ойга нисбатан камайиб кетса, назоратчи оператор жойига чиқиб камайиш сабабини ўрганади.

Шу билан бир қаторда, АСКУЭ тизимининг айрим имкониятларига қисқача тўхталиб ўтсак. Абонент ва ҳисобхона орасида доимий электрон алоқа боғланган, кредит ва олдиндан ҳақ тўлаш шароитида электр энергиясини ҳисобга олиб бориш, ҳисоб ва назоратда аниқлик, истеъмолдаги қонунбузилишларни аниқлаш, ўзини ўзи назорат қилиш ва созлащдан иборат.

Тажрибани ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг Сирғали, Учтепа ва Собир Раҳимов туманларига ҳам жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида бошқа коммунал соҳаларда ҳам таркибий ўзгартиш чора-тадбирлари асосида коммунал хизматлари таъминотини мустақил операторларга ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Эришилган натижа бозор иқтисодиёти ҳар бир соҳадан ихчамликни, сарҳисобликни ва самарали усуллардан фойдаланиш зарурлигини яна бир бор намоён этди. Бунинг учун тинимсиз изланиш, аҳолига бозор муносабатлари қонун-қоидаларини тушунтириб бориш муҳимдир. Алоҳида жойда ижобий самара берган тажриба барчанинг мулкига айланса, айни муддаодир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# ОБОД МАНЗИЛЛАР ФАЙЗИ

*Амударё тумани маркази Манғит шаҳри мустақиллик йилларида кўплаб обод кентлар қаторида чирой очди. Бугунги кунда бу ерда юқори сифатли хизмат кўрсатувчи корхоналар тобора кўпаймоқда. Бу, албатта, аҳоли турмуши фаровонлашувида алоҳида аҳамият касб этади.*

Интилиш

Ана шундай корхоналардан бири, аҳолига маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Манғит» масъулияти чекланган жамиятидир. Фаолиятини бошлаган дастлабки йилларда бу ерда атиги уч-тўртта йўналиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатилган бўлса, бугунги кунга келиб мураккаб маиший хизмат техникаларини таъмирлаш, тунукасозлик, токарлик, пайвандлаш, тикувчилик, темирчилик, автомобилларни таъмирлаш, мобиль алоқа бўйича хизмат кўрсатиш сингари ўнлаб йўналишларда иш юритиш йўлга қўйилган.

Буюртмани ўз муддатида, сифатли ва арзон тайёрлаш мазкур корхона фаолиятининг мазмунидир, десак, асло хато қилмаган бўламиз.

Ҳар қандай корхонанинг давомийлигига узвий боғлиқ бўлган бир қатор омиллар бор. Бу давлат солиғи, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви каби коммунал тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб бориш масаласидир. «Манғит» масъулияти чекланган жамияти бу борада ҳам анча-мунча корхоналарга намуна бўла олади.

Корхонани кўп йиллардан бери ажойиб инсон Турсунбой Аҳмедов бошқариб келади. Бизнингча, бир оиладек жипслашиб кетган мазкур жамиятнинг туманда алоҳида ҳурмат-эътибор билан тилга олинишида Турсунбой аканинг кўп йиллик заҳматли меҳнати, омилкорлиги катта ўрин тутади. Жамоа аъзолари ҳам Турсунбой ака кўрсатган бир мақсад йўлида интилишади.

— Агар уйда қиз-келинларимизга қулай шарт-шароит яратиб беролмасак, бизнинг тадбиркорлигимиздан, ишнинг кўзини билганимиздан не наф, — дейди Турсунбой Аҳмедов.

У киши уйидаги боғ ўртасида артезиан қудуқ барпо этибди.

— Мана шу сув 22 метр чуқурликдан чиқиб турибди. Муздек. Рўзғор юмушларида жуда асқотади, — дея ўз ишидан болаларча завқланади.

Бу ҳовли жойлашган маҳалла бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний номи билан аталар экан. Маҳалла аҳли гап-сўзларидан билдикки, Турсунбой Аҳмедов сингари қўли ҳам, кўнгли ҳам очиқ инсонлар туфайли кам таъминланган оилаларга кўмак бериш, байрамларда баъзи ташкилий масалаларни ҳал этиш хамирдан қил суғургандай тез битказилмоқда экан.

Фарзандлар инсон умрининг, амалининг давомчилари ҳисобланади. Турсунбой ака барча фарзандларини элга хизмат қиладиган ҳақиқий камарбаста қилиб тарбиялади. Ўғиллари Эркин, Мансур қўли гул техника усталари, қизи Дилором уддабурон ҳисобчи, келини Замира тикувчи, невaралари Илҳом, Азамат, Анвар ҳунарманд йигитлар.

— 2001 йил ҳаётимиздаги энг қувончли йиллардан бири бўлди, — дея эслайди Турсунбой ака. — Ўша йили «Ташаббус» кўрик-танловида туманда биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида эса совринли ўринни эгалладим. Орадан кўп ўтмай «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маиший хизмат ходими» унвони билан тақдирландим. Ўшанда меҳнат қилган қадр топишига яна бир бор иймон келтирдим...

Аслида, Турсунбой ака каби инсонлар мамлакатимизда кўплаб топилади. «Манғит» масъулияти чекланган жамияти сингари халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган корхона ва ташкилотлар ҳам юртимизда бисёр. Истагимиз, улар сафи янада кўпаяверсин.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига Фарғона вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 ноябрдаги 15-07-03/12124-сонли ижро хужжатига асосан, Суд департаменти Фарғона вилояти худудий бошқармаси суд ижрочилари томонидан хатланган «Ўзсаламан» қўшма корхонасига қарашли, Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 62-уй манзилида сақланаётган, «МАЗ-64229032» русумли, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами «15 AL 736» бўлган, техник соз ҳолатдаги юк автомашинаси қўйилмоқда.**

*Бошланғич баҳоси — 60 291 501 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 5 август куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35-уйда ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов хужжатида ижро хужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452023, «Халқ банки» амалиёт бўлими, МФО 00497, ОКОНХ 83300, ИНН 200933850.

**Мурожаат учун манзил: Фарғона ш., М. Қосимов к., 35-уй. Телефон: 224-68-70. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz**

**Лицензия: DB 001 №000004.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Танлов

***Қарши шаҳридаги «Ўзликни англаш маркази»да «Энг намунали маслаҳатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

## Энг намунали маслаҳатчи

Унда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари иштирок этдилар.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари бешта йўналишда ўз билимларини синаб кўришди. Бунда маҳаллалардаги ижтимоий муҳит, маслаҳатчининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлиги, мавжуд муаммоларнинг ечимини тўғри топа олиш қобилияти асосий мезон бўлди.

Барча маслаҳатчилар танлов талабларини юқори савияда бажаришди. Косон туманидаги «Жиззали» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Инобат Аслонова энг яхши натижага эришиб, ғолиб бўлди. Энди у кўрик-танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

**КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси (РКАБ) Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 30 январдаги 11-0706/12955-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган ҳамда «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» ҳиссадорлик жамиятининг 2008 йил 3 июль куни бўлиб ўтган 3-сон кредиторлар баённомасига асосан, «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» ҳиссадорлик жамиятига тегишли қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

| Т/р | Мол-мулк тури ва хили | Йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | «Тожикистон» (ПАЗ 3205) автобуси | 1993 | 5 420 000 |
| 2. | «ГАЗ-2410» автомобили | 1979 | 670 000 |
| 3. | «ГАЗ-66» автомобили | 1987 | 1 250 000 |
| 4. | «МАЗ-500» автомобили | 1980 | 4 500 000 |
| 5. | «КРАЗ-самосвал 256» автомобили | 1989 | 8 400 000 |
| 6. | «КРАЗ-25661» автомобили | 1989 | 6 300 000 |
| 7. | «МАЗ-5549» автомобили | 1980 | 4 900 000 |
| 8. | «КРАЗ-самосвал 256» автомобили | 1989 | 10 510 000 |
| 9. | Яримтиркама | 1997 | 1 540 000 |
| 10. | «ГМЗ АП-5523 А» автотиркамаси | 1991 | 1 100 000 |
| 11. | 1-сонли шлак тўпловчи ускуна ортидаги насосхона | | 11 850 000 |
| 12. | 2-сонли шлак тўпловчи ускуна ортидаги насосхона | | 7 700 000 |
| 13. | 3-сонли шлак тўпловчи ускуна ортидаги насосхона | | 3 600 000 |
| 14. | Қурилиши тугалланмаган цех | | 97 662 000 |
| 15. | Спорт зали | | 20 800 000 |
| 16. | Икки хонали квартира | | 12 500 000 |
| 17. | Иссиқхона | | 15 000 000 |
| 18. | «ТЭМ» тепловози | | 37 000 000 |
| 19. | Ётоқхона | | 7 130 000 |
| 20. | Маиший хизмат уйи | | 21 800 000 |
| 21. | Ёзги кинотеатр | | 7 600 000 |
| 22. | «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» ҲЖ | | 5 110 000 000 |

Аукцион савдолари 2008 йилнинг 21, 28 август ва 4, 11 сентябрь кунлари соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКАБ Тошкент филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк Собир Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.**

**Лицензия: DB 001 № 000003.**

Тиббиёт

***Мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида Бухоро вилоятидаги 13 та туғуруқхонага замонавий тиббий жиҳозлар туҳфа этилди.***

## ШИФОХОНАГА ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

Хусусан, Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими умумий нархи 36 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминланди.

— Бу хайрли иш барчамизни қувонтирди, — дейди Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси ходими Ҳалима Умарова. — Ушбу замонавий асбоб-ускуналар оналар саломатлигини муҳофаза қилиш, келажагимиз бўлмиш ёш авлод соғлиғини асрашда қўл келади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

SONATA
Ўз йўлингни танла!

Drive your way
КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
EURO2008
HYUNDAI Official Partner
Tel. 250-11-11

ООО «Росагропромснаб» предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован.
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

